БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши № 17 (12.370) | Якшанба, 20 январь 1963 йил | Баҳоси 2 тийин.

Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Свердлов номли колхоз пахтакорлари кўкламга тайёргарлик кўриш ишларини муваффақиятли ўтказмоқдалар. СУРАТДА: колхознинг ҳар куни 6.7 гектар ерни сифатли шудгор қилиб бошқаларга ўрнак кўрсатаётган илғор механизаторлари (чапдан ўнгга) Ҳусаин ФАТХУЛИН ва Худойберган ҲАСАНОВ.

С. Сайфиддинов фотоси.

САБЗАВОТКОР ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

«Қиш бекорчилик эмас» Асл деҳқоннинг бу сўзини айниқса бу йилги шароитда баланд овоз билан айтишга тўғри келади. Ҳақиқатан ҳам шундай бўляпти. Республикамиз қишлоқларида баҳор тараддудига кундан-кун зўр ҳаракат билан киришилмоқда. Деҳқонларимиз етти йилликнинг бешинчи йилида она-Ватанга 3 миллион 400 минг тонна «оқ олтин», ҳар йилдагидан кўп дон, жут, каноп ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етказиб бериш, эл дастурхонини янада тўкин қилиш, мамлакатимизда мўл-кўлчилик яратишга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқида йил бошидан астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Янги йил ҳосилига тайёргарлик кўрилаётган шу кезларда ўтган йилги ютуқ ва камчиликларни ҳисобга олиб иш тутиш деҳқонларимизнинг яхши одати бўлиб қолди. Бултур тайёрлов пунктларига 240 минг тонна сабзавот жўнатиб, планни муваффақиятли бажарган сабзавотчиларимиз бу йил ундан анча кўп маҳсулот етиштириш мақсадида илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга янада кенг жорий қилиш ва деҳқончилик маданиятини тағин ҳам кўтариш учун зарур тадбирларни изчиллик билан амалга оширишга киришдилар, айниқса эртаги сабзаботни мўл-кўл етиштириш чоралари кўрилмоқда.

Аммо бу — ишнинг бошланиши. Ҳали олдимизда зўр ишлар турибди. Бу вазифалар Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Тошкент шаҳрига яқин зонадаги колхоз ва совхозларда сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти ҳамда картошка етиштиришни кўпайтириш тўғрисида кеча «Қизил Ўзбекистон» газетасида эълон қилинган қарорида бирма-бир кўрсатиб берилди. Шу қарорга асосан Тошкент атрофи зонасида 78 минг тонна картошка, 135 минг тонна сабзавот, 40 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти етиштирилиши лозим. Республикада эса 1963 йилда 675 минг тонна сабзавот, 550 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 300 минг тонна картошка етиштириш, шундан анчагина қисмини давлатга сотиш планлаштирилди.

Партиямиз XXII съезди, КПСС Марказий Комитетининг март ва ноябрь Пленумлари қишлоқ хўжалигини зўр куч билан ривожлантиришнинг, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг улуғвор программасини конкрет белгилаб берди. Республикамиз сабзавотчилари томонидан етти йилликнинг бешинчи йили учун ишлаб чиқилган, Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг қарорида белгиланган тадбирлар съезд ва Пленум белгилаб берган буюк вазифалардан келиб чиққандир.

Лекин шуни тан олиш керакки, картошка, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти етиштиришда катта камчиликларга йўл қўйилмоқда. Кўпгина сабзаботкор колхоз ва совхозларда парник хўжаликларининг аҳволи талабга мутлақо жавоб бермайди. Бу ҳол, айниқса, эртаги сабзавот етиштириш планининг бажарилмай қолишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарори бундай камчиликларнинг мутлақо бўлмаслигини тақозо этади. Сабзаботкор хўжаликларда парниклар-теплицаларни тезда тартибга солиб, уларга эртаги сабзавот уруғини кўплаб экиш, кўчат ўтқазиш учун чиринди тувакчаларни етарли тайёрлаш, илғорларнинг бу соҳадаги иш тажрибаларидан кенг фойдаланиш керак.

Картошка ва сабзавотдан умуман паст ҳосил олинаётганлиги — бу маҳсулотларни етиштирадиган хўжаликларнинг ишида ва агротехникасида катта тафовут мавжудлиги натижасидир. Бир колхоз ёки совхоз ҳар гектар ердан 250-300 центнердан сабзавот олаётгани ҳолда, унга қўшни бўлган иккинчи хўжаликнинг олаётган ҳосили гектарига 80-100 центнердан ошмайди. Бунга эндиликда тоқат қилиб бўлмайди. Сабзаботчиларимиз ҳам илғор агротехника фани, етарли техника билан қуролланган, деҳқончилик маданиятини кескин ошириш имкониятига эгадирлар. Фақат ишнинг кўзини тоза билиш, яхши ташкилотчилик керак. Нўноқ, халқ назаридан қолган кишиларнинг ўрнига ёшларни дадил кўтариш, қолоқ хўжаликларни жонкуяр, ташкилотчи кадрлар билан мустаҳкамлаш лозим. Шундагина картошка ва сабзаботдан ҳамма жойда мўл ҳосил олиш, давлатни ва аҳолини бу маҳсулот билан янада кўпроқ таъминлаш мумкин бўлади.

Мавжуд техникадан яхши фойдаланмаслик натижасида сабзаботчиликни механизациялаш ҳамон паст даражада турибди. Сабзаботчиликда деярли ҳамма ишлар қўлда бажарилмоқда. Бунинг натижасида кўпгина сабзаботкор колхоз ва совхозларда экиш планлари бажарилмай қолаётир, совуқ эрта тушган йилларда бир қисм ҳосил йиғиштириб олинмай далада қолиб кетмоқда. Оқибатда ана шундай жойларда сабзавот ва картошка пландагидан анча кам етиштирилмоқда. Маҳсулот етиштиришга кўп меҳнат-маблағ сарф бўлмоқда. Бундай камчиликларнинг такрорланмаслиги учун ҳамма чораларни кўриш — техникани шу кунларда тахт қилиб қўйиш, улардан тўла ва унумли фойдаланиш йўлларини излаш, тракторчиларни етарли даражада тайёрлаш, механизаторларнинг малакасини ошириш зарур.

Сабзаботкор колхозларда звено принципини тиклаш жуда афзал эканлиги тажрибаларда кўрилди. Звенолар ташкил этилган колхозларда дала ишларига раҳбарлик анча яхшиланди, сабзаботчиларнинг ўз ишларига бўлган масъулияти ошди, моддий манфаатдорлик кучайди, ҳосилдорликни ошириш имконияти туғилди. Бизда ҳар гектар ердан 300-400 центнердан ҳосил олаётган бригадалар, 500-600 центнердан хирмон кўтараётган звенолар бор. Сабзавот етиштириш билан шуғулланувчи колхозларнинг ҳамда ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетларининг, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг ҳозирги энг муҳим вазифаси илғор бригада ва звеноларнинг иш тажрибаларини кенг оммалаштиришдан иборатдир. Шу мақсадда илғор тажриба мактабларини ташкил этиш, бу мактабларда лекция ўқишга практикларни, мутахассисларни ва олимларни жалб қилиш керак.

Сабзавот, картошка ва қовунтарвуз экиладиган майдонларни сифатли шудгор қилиб қўйиш шу куннинг сира кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. Шунга қарамай, баъзи районларда ерни шудгорлашга етарли эътибор берилмаяпти. Асосий сабзаботкор районларда, жумладан Ўрта Чирчиқ, Самарқанд районларида, Андижон, Наманган, Бухоро шаҳарлари атрофларидаги хўжаликларда ерни шудгорлаш жуда кечиктириб юборилмоқда. Бундай сусткашликни йўқотиш керак. Сабзавот, картошка экиладиган ерларни тез кунда сифатли шудгор қилиб олиш, бу ерларга фақат сортли уруғларни экиш зарур.

Аҳоли ва озиқ-овқат саноати республикамиз сабзаботчиларидан бу йил ҳар йилдагидан ҳам кўп картошка, сабзавот, қовун-тарвуз ва бошқа маҳсулотлар кутяпти. Бу талабни тўла қондириш учун бизда ҳамма имкониятлар бор: иқлим шароитимиз сабзаботни йил бўйи етиштиришга мос, бу соҳада катта тажрибага эгамиз, намуна оладиган илғорларимиз кўп, техникамиз етарли, фойдаланилмаётган резервларимиз чексиз. Бу имкониятлардан самарали фойдаланиб, картошка, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотини янада кўп етиштирайлик. Бунинг учун ер ҳайдашдан тортиб, техникани тайёрлаш ва уруғликни саралаш, чиринди тувакчалар ҳозирлашгача бўлган ҳамма ишларни ўз вақтида бажариб қўяйлик.

ГЎШТ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Унҳаёт қишлоқ Советидаги «Москва» колхозининг чорвадорлари гўшт тайёрлаш 1963 йил планини Янгиқўрғон ишлаб чиқариш бошқармасида биринчи бўлиб бажардилар. Улар давлатга тирик вазнда 72.600 килограмм гўшт сотдилар. Қорамол ва чўчқа гўштининг ҳар бир центнери ўтган йилдагига нисбатан 4-4,5 сўм арзонга тушди.

Наманган ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Москва» колхози ҳам давлатга 29 тонна мол гўшти, 15,2 тонна қўй гўшти, 3,8 тонна чўчқа гўшти, 6,6 тонна от гўшти сотиб, планини муваффақиятли адо этди.

И. НАРЗУЛЛАЕВ.

1963 ЙИЛА — Ҳосилга пухта ЗАМИН ЯРАТАЙЛИК!

ЯХОБ

Яхоб — мўл ҳосил гарови. Шу сабабли Термиз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Ленин номли колхоз аъзолари ҳамма майдонга яхоб бериш, тупроқда кўп нам тўплаш тадбирларини кўрмоқдалар. Колхознинг Зарҳол Сатторова, Кўчар Одинаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларининг пахта майдонларига бир сидра яхоб берилди.

Колхознинг ҳамма бригадаларида яхоб бериш қизғин бораётир. Бу ишга тажрибали сувчилар ажратилган. Сувчилардан Норкелдиев, Қосимов, Чориев, Тошалиев ўртоқлар далаларга яхоб беришда ўрнак бўлмоқдалар.

С. РАЖАБОВ.

МЎЛ ҲОСИЛ ТАРАДДУДИ

Иштихон районидаги «Партия XXII съезди» колхози механизаторлари кўклам экишига тайёргарлик кўриш юзасидан бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, ерларни тез ва сифатли шудгор қилмоқдалар. Исроил Отақўлов, Асқад Сулаймонов, Зайни Очилов, Баҳри Ортиқов, Рўзи Облоқулов каби механизаторларнинг ҳар бири шу кунгача 200-220 гектар ерни 28-30 сантиметр чуқурликда шудгор қилиб қўйди.

Колхозда далага гўнг чиқариш ишлари ҳам қизғин бораётир. Бу ишда 18 автомашина, 14 трактор тележкаси, 18 арава иштирок этмоқда. Ҳозиргача далага 4000 тоннага яқин маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди.

Р. ХУДОИБЕРДИЕВ.

●

— Гектаридан 40 центнер! — Балиқчи районидаги «Пахтакор» колхозининг аъзолари ана шу мақсад йўлида ишламоқдалар. Бунинг учун мўл ҳосилга пухта замин яратилмоқда. Колхоздаги автомашина, арава, тележкалар далага маҳаллий ўғит ташиб чиқаришга сафарбар этилган. Ҳар куни 60-70 тонна ўғит жамғарилиб, бригадалардаги махсус чуқурларга элтиб тўкилмоқда.

Ерларни текислаш, ариқ-зовурларни тозалаш қизғин. Қарийб 10 минг кубометр ҳажмдаги ариқ-зовурлар тозаланди.

Қ. ШОДМОНОВ.

●

Гиждувон районидаги Энгельс номли колхоз комсомол-ёшлари пахта майдонларининг ҳар гектарига 12 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариш ташаббусини бошладилар. Далага ўғит чиқариш ойлигида 350 йигит-қиз иштирок этмоқда. Улар ҳар куни далага 130 тонна ва ундан ошириб гўнг чиқармоқдалар.

А. БАҲРОМОВ.

РЕМОНТ ТЕЗЛАШТИРИЛДИ

Пастдарғом ишлаб чиқариш бошқармасидаги Карл Маркс номли колхоз ремонтчилари техникани кўклам экишига тайёрлашни тез суръатлар билан олиб бормоқдалар.

— Устахонада, — дейди колхознинг бош инженери Фёдор Кузмин, — трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш икки сменада ташкил этилган. Натижада ремонт суръати тезлашиб, ҳозир 41 трактордан 37 таси тахт қилинди. Ремонтчилар суръатни кун сайин оширмоқдалар.

Н. ЗАЯРНИЙ, М. ИВАНОВ.

ТЕЗ ВА СОЗ

Мўл ҳосилга шу кунларда замин яратилади. Ерини сифатли шудгор қилиб, далага кўп миқдорда ўғит чиқарган деҳқон баҳорда ютади. Шу сабабли Воҳкент районидаги Жданов номли колхоз пахтакорлари кўклам экишига катта тайёргарлик кўрмоқдалар. 1034 гектар пахта майдонининг 900 гектари 28-30 сантиметр чуқурликда ҳайдалди. Юнус Ниёзов, Нарзулла Файзиев, Йўлдош Эргашев, Жалил Халилов каби механизаторлар бу ишда ташаббус кўрсатмоқдалар.

Колхозда ариқ-зовурларни тозалаш қизғин бормоқда. Далага 1000 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди. Пол олиш, ерларнинг шўрини ювиш ишлари ҳам уюшқоқлик билан ўтказилаётир.

О. МАҲМУДОВ.

ИШ ЎРНИГА БАҲОНА

Фарғона областидаги «Қўқон» совхози пахтакорлари уч йилдан буён планни бажара олмай, давлат олдида қарздор бўлиб қолмоқдалар. Бунга сабаб совхозда кўкламга тайёргарлик ишларининг ўз вақтида ўтказилмаётганлигидир. Совхозда бу йил ҳам ана шундай ташвишли аҳвол рўй бермоқда. «Ҳали вақт эрта» деган баҳона билан қишки ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Совхознинг экин майдонларига 42500 тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқариш планлаштирилган эди. Бунинг учун ҳамма имкониятлар бор. Чунончи, совхознинг олти бўлимининг ҳаммасида молхона, қўйхона, чўчқахоналар мавжуд. Шунингдек, транспорт воситалари ҳам етарли. Бўлимларга 30 автомашина, 52 тележка, кўплаб аравалар биркитилган. Лекин ана шу имкониятлардан ёмон фойдаланилмоқда. Далага шу кунгача бор-йўғи 1250 тонна ўғит ташиб чиқарилганлиги бунинг далилидир. Эргашали Сувонов, Ҳасанбой Раҳимов, Эргаш Шомуродов, Абдуманнон Қодиров ўртоқлар бошқарувчи бўлган бўлимларда эса бу ишга ҳанузгача чинакамига киришилмаган.

Ерларнинг шўрини ювиш, яхоб бериш тўғрисида ҳеч борса, совхоз раҳбарлари: ерларимизнинг тўртдан бир қисми захкаш. Катта Фарғона каналидан сув берилмаяпти, деган баҳоналарни рўкач қиладилар. Тўғри, совхознинг айрим участкаларида булоқ сувлари бор. Лекин 2300 гектар ерга яхоб бериш жуда зарур. Бунинг учун Қамроқ, Қолдижон, Шойимбек, Бекобод ариқларини тозалаш, шундан сўнг сув олиш керак. Совхоз раҳбарлари эса бу ариқларни қазиш, тозалаш учун ишчи кучлари ажратмаганлар. Бунинг оқибатида энди 260 гектар пахта майдонига яхоб берилди.

Совхоз раҳбарлари эса кўкламга тайёргарлик кўриш ишлари устидан назорат қилишни унутиб қўйганлар.

Б. ШОКИРОВ.

АГИТАЦИЯ ИШЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Каттақўрғон корхоналарида, муассасаларида ва ўқув юртларида Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга бўладиган сайловга ҳозирлик ишлари кенгайтирилмоқда.

Шаҳарда ташкил этилган 22 агитпункт 1.100 дан ортиқ агитаторни бирлаштирган. Ёғ-мой комбинати яқинида жойлашган 1-агитпунктнинг активлари сайловчиларнинг уйларига биринчи бўлиб бордилар. Улар сайлов тўғрисидаги Низомни тушунтириб, КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорлари тўғрисида, халқаро аҳвол тўғрисида суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Шаҳар партия комитети агитпункт мудирлари ва агитаторларнинг семинарини ўтказди. Семинарда шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Маҳмудов КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорлари ва шаҳар агитаторларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди. Сиёсий маориф кабинетида агитаторлар учун консультация очилди. Ҳамма кутубхоналарда сайловга бағишланган стендлар ва виставкалар ташкил қилинди.

(ЎЗТАГ).

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

ФАРҒОНА, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Областда республика Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловга тайёргарлик тобора қизғинлашмоқда. Шаҳар ва қишлоқлардаги агитаторларнинг семинарлари ўтказилди. Кутубхоналар, ўқишхоналар, клублар сайловга доир адабиётлар билан таъминланди.

Охунбобоев ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Совет», «Москва» ва Охунбобоев номли колхозларда марказий пунктлар Олий Совет ва маҳаллий Совет сайловларига мослаб қайта қурилди. Агитаторлар СССР Конституцияси, сайловлар ҳақидаги Низом тўғрисида суҳбатлар ўтказишмоқда. Сайловларга тайёргарлик қишки ишлар билан чамбарчас боғлаб олиб борилмоқда.

И. ТЎХТАСИНОВ.

САЙЛОВГА ҲОЗИРЛИК

ЭСКИ ТОШКЕНТ (Янгийўл райони). Бу ерда Ўзбекистон ССР Олий Совети ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига ўтказиладиган сайловларга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Яқинда қишлоқ Совети депутатларининг кенгаши бўлиб ўтди.

Қишлоқ активлари ўтган сайловлардан олган ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар. Қишлоқ Совети раисининг ўринбосари Ғанибой Далибоев сайловни сиёсий-ташкилий жиҳатдан намунали ўтказиш учун сайлов олди агитация ва пропаганда ишларини уюшқоқлик билан олиб бориш ҳақида гапириб берди.

Қишлоқ аҳоли сонини рўйхатга олиш учун 35 комсомол-ёшлар белгиланди. Жойларда сайлов ҳақидаги Низомни тушунтириш учун ўқитувчи, врач, қишлоқ активларидан 12 пропагандист, 65 агитатор ажратилди. Уларга Ленин номли 24-ўн бир йиллик политехник таълим мактаби директори Убайдулла Орипов раҳбарлик қилмоқда.

Пропагандистлардан Вали Холматов «Москва», Лола Баязитова Навоий номли, Наби Юсупов Киров номли колхозларда, фельдшер Турсунбой Жўрабоев қишлоқ марказидаги чойхона ва пахта тайёрлаш пунктида колхозчи ҳамда ишчилар ўртасида доклад ва суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Қишлоқ Советида ҳар ҳафтада пропагандист ва агитаторларнинг семинарини ўтказиб туриш мўлжалланмоқда.

Й. УРИНБОЕВ.

Н. С. ХРУШЧЕВнинг ГДРда бўлиши

БЕРЛИН, 18 январь. (ТАСС). Н. С. Хрушчев ва Н. В. Подгорний бугун Обершеневейддаги телевизион электроника заводи коллективи ҳузурида меҳмон бўлдилар. Уларга Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси А. Нейман ва Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Германия Бирлашган социалистик партияси Берлин округ комитетининг биринчи секретари П. Фернер ҳамроҳ бўлиб бордилар.

Корхонанинг олти минг кишилик коллективи Н. С. Хрушчев ва Н. В. Подгорнийни самимий, қардошларча кутиб олди. Бир қанча цехлар кўриб чиқилганидан кейин завод клубида митинг бўлди.

Меҳмонларни партия ташкилотининг секретари Э. Хубе, аёл ишчи Е. Винтерштейн ва бош технолог В. Киршке табрикладилар.

Н. С. Хрушчев ўз нутқида самимий ва дўстона кутиб олганликлари учун Берлин ишчиларига миннатдорчилик билдирди. У, завод коллективига В. И. Ленининг скульптура портретини эсдалик учун совға қилиб топширди.

Н. С. Хрушчев ва Н. В. Подгорний билан Берлин ишчиларининг учрашуви Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси халқларининг бузилмас қардошларча дўстлигининг ёрқин намойишига айланиб кетди.

* * *

БЕРЛИН, 19 январь. (ТАСС). АДН агентлигининг хабар беришича, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев кеча Германия Демократик Республикасининг пойтахти Берлинда Ғарбий Берлин аҳолисининг вакиллари билан учрашди.

Суҳбат бошланишида Германия Бирлашган социалистик партияси Ғарбий Берлин правленисининг биринчи секретари Герхард Данелиус табрик нутқи сўзлади. У, Ғарбий Берлиннинг атоқли жамоат арбоблари, чунончи врачлар, олимлар, корхона эгалари, теологларни, ишлаб чиқариш кенгашларининг аъзоларини ва социал-демократ активларни Н. С. Хрушчевга таништирди. Улар орасида Ғарбий Берлинда бўлажак сайловларда Германия Бирлашган социалистик партиясидан кўрсатилган номзодлар ҳам бор эди.

Н. С. Хрушчев гоят ошкора тарзда ва самимий вазиятда ўтган суҳбат давомида Ғарбий Берлин проблемасини тинч бартараф этиш, ҳамжиҳатлик ва Германия билан сулҳ шартномаси тузиш хусусидаги саволларга жавоб берди. Суҳбатда қатнашган Ғарбий Берлин арбоблари СССР Министрлар Совети Раисининг Ғарбий Берлин аҳолисига гоят тушуниб, самимий қизиқиш билан қараётганлиги учун мамнуният изҳор қилдилар.

БУХОРО шаҳрида Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советлар сайловларига тайёргарлик кучайтириб юборилди. С. Орджоникидзе номли педагогика институти студентларидан иборат агитаторлар сайловчилар орасида сиёсий-оммавий ишларни қизғин олиб бормоқдалар. СУРАТДА: комсомол аъзолари М. Қодирова ва И. Авазова агитпункт олдида.

Ш. Мўминов фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

САЙЛОВЧИЛАР УЧУН ЛЕКЦИЯ ВА ДОКЛАДЛАР

ТЕРМИЗ, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи область жамияти Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар олдидан меҳнаткашлар ўртасида лекция пропагандасини кучайтириб юборди. Яқинда бир группа лекторлар ва сиёсий докладчилар область районларига жўнаб кетишди. Улар сайлов системаси ҳақида лекциялар ўқийдилар ва суҳбатлар ўтказадилар.

Жамият аъзолари пахтакорлар ва узоқ яйловлардаги чорвадорлар ҳузурида бўладилар. Жамиятнинг район бўлимларига сайловларга бағишлаб тайёрланган лекция ва докладларнинг текстлари ҳамда махсус жиҳозланиб, зарур адабиётлар билан таъминланган агитмашиналар ҳам юборилди.

ВИЖДОН АМРИ

ИНЖЕНЕР МИНБАРИ

«Қуйлаш мумкинми дил қайноқ бўлмаса!» — дейилади кўшиқда. Жуда топиб айтилган гап. Юрак ёниб турмас экан, ижодкор парвозга қодир эмас. Бу фикр, менимча, адабиёт ва санъат аҳлларига ҳам, техника интеллигенциясига ҳам баб-баравар тааллуқли.

Янги техника ва илғор технологияни ишлаб чиқаришга татбиқ этишдаги сустлик, консерватизм, ҳамма илғор ҳамма прогрессив янгиликлар йўлидаги тўғоноқ — бу бир кўлмакки, уни **ижодкорлик қуёши нури** билан қуйдириб юбориш керак.

Ҳар бир инженер, ҳар бир техник ўзига топширилган вазифани сидқидилик билан бажариши шарт. Бу — унинг виждон бурчи, унга илм берган, вояга етказган жамият олдидаги қарзи. Аммо мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини 20 йил ичида барпо этиш учун, партиямизнинг тарихий ноябрь Пленуми ўртага ташлаган вазифаларни тўла-тўкис бажариш учун фақат шунинг ўзи кифоя қилмайди. Инженер шунчаки корхонага келиб кетавериши, қўл учида ишлаши, қуйиб-пишмаслиги, иш устида қотиб қолиши, ижодий ёнишдан, ҳаётдаги янгиликлардан четда қолиши — ҳеч гап эмас. Ҳеч гап эмас, ҳеч гап эмас, ҳеч гап эмас!

ФАН ЮТУҚЛАРИ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА!

ШИФЕРМИ, ЧЕРЕПИЦА?

Республикамизда қурилишларнинг кун сайин ўсиб бориши бинокорлик материаллари, хусусан томга ёпадиган материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва хилларини оширишни тақозо қилмоқда.

Қурилишларимизда ҳозир шифер кенг қўлланилмоқда, қад кўтараётган қайси бир бинонинг томига боқманг, шифер билан ёпилганини кўрасиз. Лекин унинг қандай ҳом ашёдан ишланиши, таннархи ва қанча вақтга бардош беришини ҳисобга олганда, шиферниг кўпгина нуқсонлари борлиги кўринади. Аввало, республикамизда тайёрланаётган шифер 15 процент тош пахта (асбест) ва 85 процент цемент қоришмасидан иборат бўлиб, тош пахта узоқдан — Уралдаги Баженово конидан келтирилади. Цемент эса қурилишнинг нони, унга бошқа соҳаларда ҳам талаб катта. Бундан ташқари шифер кундузги жазирама офтоб ва тунги салқин таъсирида тез нураб, синиб кетади. Шифер билан ёпилган том 15-20 йилда ремонт талаб бўлиб қолади.

Қурилишда шифердан ташқари черепица ҳам кенг ишлатиб келинади. Болтиқ бўйи республикалари ва Венгрия Халқ Республикасидаги кўпгина иморатларнинг томлари қизил, пишиқ черепицалар билан ёпилган. Бу бинолар узоқ вақтларгача ремонтсиз тура беради.

Хўш, шундай экан, республикамизда черепицадан фойдаланилса бўлмайдими? Аммо, шуни айтиш керакки, ҳозирги кунгача республикамизда чиқарилаётган черепицалар оғир, қалин, қўпол бўлиб, ундан нам ўтиб кетаверарди. Шифердан чидамли, аммо аввалги черепицадан тубдан фарқ қиладиган черепица хилини яратиш халқ хўжалигимиз учун зарур муаммо бўлиб келди.

Тошкент политехника институтининг аспиранти Л. М. Ботвина бу муаммони ечишга жазм қилди. У черепицалар ҳақидаги адабиётларни синчиклаб ўқиди ва уни ясаш учун керак бўлган хом ашё хусусиятларини батафсил ўрганди Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳ. М. Абдуллаев номидаги Геология институти илмий ходимлари билан ҳамкорликда республикамизда мавжуд бўлган турли хил гил намуналарини олиб, улар устида илмий иш олиб борди ва шу темада диссертация ёқлади. Лабораторияда Келес соз тупроги ва гилмояси аралашмасидан турли керамик черепица ясалди. Аралашманинг таркиби бир неча бор ўзгартирилди ва турли иссиқлик даражаларида қуйдирилди. Бунда рўй берган физикавий-химиявий ўзгаришлар анализ қилинди. Кўп йиллик изланиш ва илмий тадқиқотлардан сўнг халқ хўжалигимиз учун зарур бўлган сифатли черепица яратилди. Маълум бўлишича, агар 80 процент соз тупроқ ва 20 процент гилмоя қоришмасидан ясалган черепицани 900-1050 градус иссиқликда қиздирилса енгил, юпқа, совуққа чидамли черепица олиш мумкин экан! Яна шу нарса эътиборга сазоворки, печнинг ҳар кубометр жойидан икки ҳисса кўп маҳсулот олиш мумкин. Шу ҳисобдан черепица пишириш учун ёқилги ҳам кам сарфланади, сифати ошиши билан брак ва синиш камаяди. Черепицанинг енгиллашиши натижасида эса уни томга ёпганда остига қоқиладиган тахта ҳам кам ишлатилади, темир-бетон брусочкалари билан алмаштириш имконияти ҳам туғилади. Ҳозир чиқарилаётган янги хил черепицанинг ҳар минг донаси илгаригисидан 6 сўм арзонга тушади.

Иш натижалари Янгийўлдаги 8-гишт заводида текшириб кўрилди ва ижобий тасдиқланди. Энди иш Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашида қолди. Республикамизда янги хил черепицаларни кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилади, деб умид киламиз.

М. ЗОКИРОВ,
геология-минералогия фанлари кандидати.

«Узсельхозтехника»нинг Янгийўлдаги устахонасида тракторлар ремонти тез суръатлар билан бормоқда. Суратда: (чапда) мотор цехининг мастери Абдуманнон АБДУКАРИМОВ ва устахона партия ташкилотининг секретари Алихон ПОШШАХОНОВ ўртоқлар ремонтдан чиққан тракторларни текширмоқдалар. Унгда — «Коммунизм» колхозининг тракторчиси Ҳаким АБДУВАЛИЕВ.

И. Глауберзон фотоси.

ҲАҚҚОНИЙ ИЖОД УЧУН

Асқад МУХТОР

Биз ўзининг мустаҳкам цитаделига, ҳарбий базаларига, атом ускуналарига эга бўлган, фашизм ва куклуксклан сингари йиртқич кучларни туғдирган империализм дунёси қаршисида турибмиз, уни урушсиз, ҳалокатсиз енгишга аҳд қилганмиз, чунки биз ўз ёрқин ғояларимизнинг ҳаётийлигига шу қадар аминмизки, уларнинг афзаллигини ҳарбий куч билан исбот қилишга ҳеч қандай эҳтиёжимиз йўқ.

Биз шиддатли синфий курашнинг ҳозирги замон формалари тарафдоримиз: тинч-тотув мусобақа, халқаро тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш, шармандали мустамлакачилик қолдиқларини фош қилиш, муросасиз ғоявий кураш! Буларнинг ҳаммаси ғоят мураккаб, оғир, халқимизнинг ғоявий бирлигини, сиёсий-хўжалик ссҳасидаги донолигини, ижодий меҳнат ташаббусини, бутун кучи, қобилияти, юрак ҳароратини, фидокорлигини талаб қиладиган бир жараёндирки, унинг порлоқ тарихий самараси Коммунизм жамияти бўлади.

Ўз халқининг бу олижаноб ниятини, муқаддас ва оғир йўл танлаб бутун ақл-идроки, кучи-ҳарорати билан мақсадга интилаётганини кўра-билатуриб, ўз халқи яратган фаровон ҳаёт, тинчлик, эркинлик самараларидан фойдаланиб туриб, шу халқнинг ўзига, сен мендан орқада қолдинг, сен гўзалликни тушунмайсан, деб туҳмат қилган, унинг буюк санъат традицияларига оёқ босган бир тўда нонкўрлар барча совет кишиларини ниҳоятда нафратлантирди.

Санъатда мода орқасидан, арзон шуҳрат кетидан қувиш—маънавий қашшоқлик, худбинлик белгиси. Бундай одамга на халқининг буюк ғоялари, шонли ўтмиши, жанговар традициялари, келажаги, на ўзининг маслаги, гражданлик фахри — ҳеч нарса эмас. У фақат ўзини тан олади. Олифтагарчилик билан оёғини чалиштириб туриб, эринчоқ эснаб, бутун оламга тепадан хира назар ташлайди. Мен бундайларнинг қиблагоҳларини Парижда кўрганман. Ёзда пўстин кийиб, узун галстук таққан, соч-соқоли ўсган, яланг оёқ, ширакайф бойваччалар ялтироқ автомобилдан тушиб гўзал санъат қасри Луврга кирадилар да, Рафаэль ва Леонардо да Винчи дурдоналарига қора кўзойнак орқали қараб башараларини буриштирадилар, безорилар ва хуштак чалиб ўтадилар. Бу томошабинларнинг диққатини тортади. Буларга эса шунинг ўзи бас.

Булар орасида «донг» таратган, бойиб кетган, кўплаб натуршицалар ва шахсий котиблар ёллаган абстракционистлар ҳам бор. Чунки уларнинг чапланган бўёқ, эски латта-путта ё темир-терсакдан иборат «асар»лари ғайри табиий, соғлом одамларнинг ақли етмайдиган нарсалар бўлса ҳам, оладиган гонорарлари одатдаги, ҳамма тушунадиган оддий пул.

Буларни кўрганда, ўтмишдаги Рембрандт, Ван-Гог каби буюк талантларнинг қашшоқликдан ўлиб кетганини эслаб юрагинг эзилиб кетади киши.

Баъзилар биздаги абстракционистларнинг «асар»ларини изланиш деб, абстракт суратлар маъносиз, мазмунсиз бўлгани учун абстракционизм ҳам ғоясиз, мақсадсиз, беозор бир нарса деб тушунтиришга уринадилар. Ундайгина бўлса америкалик рокфеллерлар, гуггенгеймлар абстракт санъат яратиш учун ўз чўнтакларидан юз миллион долларлаб пул сарф қилармиди? Америкалик абстракционистларнинг энг саҳий ҳомийси миллионер Давид Рокфеллер шахсан ўзи реалистик санъат ишқибози эканини, абстракт суратклик — бемаънигарчилик эканини эътироф этса ҳам, Нью-Йоркдаги барча абстракт санъат музейлари шу миллионернинг саховати билан ишлаб турибди. Агар абстракционизм империализмнинг асл манфаатларига хизмат қилмаса, империализмнинг устунлари унга мол-дунёсини сарф қилармиди?!

Буржуа формалистик санъатининг энг чиркин кўринишн бўлган абстракционизм одамларни ҳаётнинг энг муҳим проблемаларидан, сиёсатдан, кураш йўлидан чалғитиб, уларнинг инсонга, яхшиликка, ақлу идрокка бўлган ишончини, гўзаллик туйғусини, инсонлик қадрини поймол этиб, соф, нозик ҳисларини ҳақорат қилиб, онгини ўтмаслаштириб, энг реакцион империалистик кучларнинг ғоясига хизмат қилади.

Буржуа матбуоти бизда пайдо бўлган абстракционизм тақлидчиларини дарров кўз остига олиб, уларни «социалистик реализмга қарши яширин исёнчилар» деб аташи, уларнинг «асар»ларини дарров репродукция қилиб, оғиз кўпиртириб мақташи бежиз дейсизми! Кино санъаткори Герасимов айтганидек, революцион баррикадани чурук четан деб билиб, унинг дам уёғига, дам буёғига осонлик билан сакраб ўтувчи биздаги тутуриқсизларга уларнинг кимга хизмат қила бошлаганликларини қатъий қилиб айтиш зарур эди. Партиямиз, халқимиз худди шундай қилди ҳам.

Никита Сергеевич Хрушчевнинг Москва рассомлари кўргазмасида, кейин санъат ва адабиёт ходимлари билан учрашувда айтган фикрлари, ўртоқ Л. Ф. Ильичевнинг шу учрашувдаги нутқи санъат ва адабиётимизнинг ҳаётий асослари — коммунистик партиявийлик, халқчиллик, ғоявий қуролимизнинг тозалиги, ўткирлиги масалаларига қаратилди. Бу маросимларда кўтарилган рўй-рост ва муҳим фикрларни барча санъат ва адабиёт аҳли, бутун халқимиз қувватлади. Бир тўда маслаксиз анархистлар «ижод эркинлиги» ҳақида вайсаб, халққа хизмат қилишдан «озод» бўлишни истар эканлар, халқ уларнинг «хизмати»га муҳтож эмас. Бу ҳақда гапириб, ўртоқ Л. Ф. Ильичев файласуф Август Бебельнинг бир афоризмини жуда ўринли эслатиб ўтади: «Агар сени душман мақтай бошлаган бўлса, қандай аҳмоқлик қилиб қўйганингни ўзинг ўйлаб кўр!»

Ижодкор бўлиш эзгу иш, масъулиятли, оғир ва шарафли иш. Ҳар ким аввало оддий граждан бўлиши, ўз халқининг қувончларига қувона билиши, оғир пайтларда халқ билан бирга ғам чекиши, даврнинг, мамлакатнинг буюк ишини ўз иши деб билиши керак. Агар шу оддий гражданлик фазилатларинг ҳам бўлмаса, муқаддас ижод даргоҳини топтаб нима қиласан! Ҳаққоний ижод давр ишига бефарқ бўлолмайди. ижод халқ билан бирга курашда, ижод ғоявий жангда камол топади. жанг эса ҳали азм ижодий кучларни талаб қилади.

Партия ва ҳукумат раҳбарларининг санъат-адабиёт ходимлари билан тарихий учрашувида суҳбатнинг бош пафоси — халққа янада яхшироқ хизмат қилиш, санъат ва адабиётимизнинг халқ ҳаётидаги мавқеини, ғоявий қудратини, эстетик таъсирини янада ошириш масалалари бўлди. Бу учрашувда ва айниқса ундан бир ҳафтача кейин ўтган КПСС Марказий Комитети қошидаги Идеология комиссияси йиғилишида ёш рассомлар, адабиётчи, композитор ва кино ҳамда театр ходимлари ижодига алоҳида аҳамият берилди. Партиянинг ёшлар ижодига бу қадар эътибори табиий. Тажрибали санъаткор ва ёзувчиларимиз билан қўлни қўлга бериб, ҳақиқий новаторлик йўлидан бораётган ёшлар ҳамма вақтдагидек ҳозир ҳам санъат ва адабиётнинг ривожланишида катта ўрин тутади.

Ўзбек адабиётида ҳам ёшлар ижоди катта мавқега эга бўлиб қолди. Ёшлар бутун совет адабиёти тажрибасини ўзлаштириб, дадил олга бормоқдалар. Социалистик реализм принциплари, энг яхши традицияларимиз, муштарак мақсад ва критерийлар адабиётимизнинг ҳамма авлодларини принципиал ғоявий асосда бирлаштиради. Ҳозир бу кучнинг асосий эътибори халққа қилаётган хизматимизнинг сифат даражасини янада оширишга қаратилган. Партия ва ҳукуматимиз раҳбарларининг санъат ва адабиёт ходимлари билан учрашувида айтилган фикрлар бу мақсадга эришишимизда кучимизга куч қўшади, қалбимизни яна ҳам равшан қилади, кўнглимизга далда беради, келгуси ишимизда, курашимизда дастур бўлади.

ЧИРЧИҚ УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Чирчиқ уйсозлик комбинати қурилиш индустриясининг ишлаб турган корхоналари сафига қўшилди. Дастлабки маҳсулот — кўп квартирали уйлар учун темирбетон пойдеворлар ишлаб чиқарилди.

Проектга мувофиқ, бу «уй фабрикаси» йилига 35.000 квадрат метр уй-жой ишлаб чиқариши керак. Чирчиқ шаҳрининг бир чеккасида шу йилнинг ўзида 27 минг аҳолига мўлжалланган микрорайон қурила бошлайди. (ЎзТАГ).

М. Н. ЖЎРАБОЕВ

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия комиссиясининг аъзоси, совет халқининг содиқ фарзанди, бутун куч-қуввати, қалб ҳароратини партия ва Ватанга хизмат қилишга сарфлаган Мурод Нодирович Жўрабоев узоқ давом этмаган касалликдан сўнг шу йил 18 январда, Москвада вафот этди.

М. Н. Жўрабоев 1905 йилда туғилган. 16 ёшданоқ унинг меҳнат фаолияти бошланади. М. Н. Жўрабоев 1931 йилда партия сафига ўтади. М. Н. Жўрабоев шу вақтдан бошлаб то Улуғ Ватан уруши бошлангунча Халқ маорифи комиссарлигида ўқитувчилик қилади, партия органларида ишлайди.

М. Н. Жўрабоев 1941 йилдан буён уруксиз равишда масъул партия ишида ишлайди. Янгийўл район партия комитетининг пропаганда бўлимига мудирлик қилади, 1942 йилда Юқори Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретарлигига, 1944 йилда эса Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг секретарлигига сайланади.

1944 йилда партия М. Н. Жўрабоевни Сурхондарё областига юборади. Бу ерда у олдин область партия комитетининг иккинчи, сўнгра эса биринчи секретарлигига сайланади. М. Н. Жўрабоев 1956 йилгача Сурхондарё область партия комитетининг, кейинчалик Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлайди. М. Н. Жўрабоевнинг ижодий ғайрати ва халқ хўжалик планларини бажариш учун курашдаги моҳир ташкилотчилик кобилияти шу ерда тўла намоён бўлади.

1956 йилдан буён М. Н. Жўрабоев КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия комиссияси аппаратида масъул ходим бўлиб ишлади.

Ватан М. Н. Жўрабоевни Ленин ордени, тўртта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат белгиси» ордени ва медаллар билан мукофотлаб, унинг хизматларига юксак баҳо берди. М. Н. Жўрабоев Ўзбекистон КП Марказий Комитети аъзолигига, СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланган эди.

Халқнинг содиқ фарзанди, моҳир ташкилотчи, камтар ва сезгир ўртоқ Мурод Нодирович Жўрабоев хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

ТУРЛИ мамлакатлардан ХАБАРЛАР

ГЕРМАНИЯ БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ VI СЪЕЗДИДА

БЕРЛИН, 18 январь. (ТАСС). Бугун кечки мажлисда Вальтер Ульбрихт якунловчи нутқ сўзлади.

У, Н. С. Хрушчевнинг съездаги нутқи барча социалистик мамлакатларнинг тинчлик ва тараққиёт учун, қуролсизланиш учун, Германия сулҳ шартномасини тузиш учун курашида улар учун ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Н. С. Хрушчевнинг, энг муҳим масала тинчлик учун курашдир, деган гапини съезд батамом қўллаб-қувватлади, деди нотиқ. Ана шу изчил тинчлик сиёсатини, деб таъкидлади у, биз ГДРда социализм қурилиши авж олдирилган даврда оғишмай давом эттирамиз. Германия Бирлашган социалистик партияси билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўртасида энг мустаҳкам дўстлик мавжудлиг. Биз марксизм-ленинизмга асосланган ана шу жанговар иттифоқни бундан буён ҳам мустаҳкамлай берамиз, деди В. Ульбрихт.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Германия масаласини тинч йўл билан ҳал этиш проблемасига тўхталиб, муносабатларни нормаллаштириш мақсадида ҳар иккала герман давлати ўртасида музокаралар олиб бориш зарурлигини кўрсатди.

Съезд Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг VI съездга ҳисоботини ва марказий ревизия комиссияси ҳисоботини, шунингдек ўртоқ Вальтер Ульбрихтнинг «Социализм программаси ва Германия Бирлашган социалистик партиясининг тарихий вазифалари» тўғрисидаги докладини баланд руҳ ва якдиллик билан маъқуллади.

Германия Демократик Республикасида социализм қурилишини авж олдириш программаси бир овоздан қабул қилинади. Залда гулдурос қарсаклар янграйди.

ФИДЕЛЬ КАСТРО В. В. КУЗНЕЦОВ БИЛАН УЧРАШДИ

ГАВАНА, 18 январь. (ТАСС). Куба Республикасининг бош министри ва Бирлашган революцион ташкилотлар миллий раҳбарлигининг биринчи секретари Фидель Кастро 17 январда СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецовни Гаванадаги президент саройида қабул қилди.

Фидель Кастро ва В. В. Кузнецов ўртоқлар узоқ суҳбатлашдилар. Суҳбат тўла ва чинакам ҳамжиҳатлик, зўр самимият ва қардошларча дўстлик вазиятида ўтди.

Суҳбатда СССРнинг Куба Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси А. И. Алексеев қатнашди.

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

⊙ Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти Антонин Новотний расмий визит билан Пном-Пенга келди.

⊙ Реймсдаги (Франция) шаҳар театрида М. П. Мусоргскийнинг «Борис Годунов» операси қўйилди.

⊙ Жанубий Корея қирғоқларида рўй берган кучли довул натижасида Жанубий Кореяга қараши пароми Мокпхо шаҳри яқинида ғарқ бўлди. Бу пароми ичида бўлган 80 пассажир ҳалок бўлди, деб хавфсирамоқдалар. Ҳозиргача саккиз кишининг жасади топилган.

⊙ Японияниг «Мицуи нодзан» кўмир компанияси «рационализация оқибатида яқин вақт ичида ўзига қарашли бўлган олти шахтадан учтасини ёпажагини ва 9300 шахтерни ишдан бўшатажагини эълон қилди.

⊙ Астурия (Испания) шахталаридан бирида кон гази портлади. Натижада бир шахтер ўлди, беш шахтер ярадор бўлди. (ТАСС).

ЕТТИ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

ЯНГИ КОМБИНАТ

НУКУС. Шаҳардаги қурилиш индустрияси корхоналари даврасига яна бир улкан корхона қўшилди. Қурила бошлаган уй қуриш комбинати фойдаланишга топширилди. У йилига 35 минг квадрат метр уй-жой қуриш қувватига эга.

ПИЛЛАКАШЛАР ҒАЙРАТИ

БУХОРО. Пиллакашлик фабрикаси коллективи ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Январнинг биринчи ярмига белгиланган топшириқ ортиғи билан бажарилди.

ТАШАББУСКОРЛАР

ҚЎҚОН. Механика заводининг ишчи-хизматчилари янги резервларни ишга солмоқдалар. Яқинда Н. Аҳмедов, Х. Гаврилов, С. Шокиров ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари иш нормаларини яна 5-15 процент оширишни илтимос қилиб, корхона касаба союз ташкилотига мурожаат қилдилар. Яхши ташаббус корхонада кенг қулоч ёймоқда.

Хатларингизга ЖАВОБ берамиз

ТАЛАБЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Қўқон темир йўлчилари шаҳарчасида бир ярим мингдан кўпроқ хўжалик яшайди, аммо аҳоли учун зарур бўлган маданий-маиший муассасалар кам, шу вақтга қадар шаҳарча электрлаштирилмаган ва телефонлаштирилмаган, ҳатто водопровод ҳам ўтказилмаган. Редакцияга келган хатларнинг бирида Қўқон шаҳар ижроия комитети бу шаҳарчанинг ободонлигига етарли эътибор бермаётгани кўрсатилган эди.

Қўқон шаҳар ижроия комитетидан олинган жавоб хатда бундай дейилади:

— Хатдаги талаблар ва қўйилган масалалар тўғри. Шаҳарчанинг Бабушкин кўчасида газета-журнал сотадиган киоска очилди. Магазин ва автомат телефон станцияси қуриш учун маблағ ажратилди. Ҳозирча будкага ўрнатилган телефондан аҳоли фойдаланмоқда. Хатда кўрсатилган бошқа зарур талабларни амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

ЧОРА КЎРИЛДИ

Калинин районидаги «Назарбек» совхозида ишчилар учун қулай маданий-маиший шароит яратиб беришга етарли эътибор берилмаётганлиги ҳақида хат олинган эди. Бу ҳақда Калинин районидан қуйидаги жавоб олинди:

— Хатда кўрсатилган камчиликларнинг кўпи тузатилди. Ишчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун совхоз марказидаги маданият уйи жиҳозланди, кутубхоналар янги китоблар билан бойитилди. Клуб қошида музика тўгараги ташкил этилди. Ҳозир совхоз бўлимларини тўла электрлаштириш тадбирлари кўрилмоқда.

МУДИРНИНГ ЎЗИ ЎҒРИ

Қўқон район матлубот жамиятига қарашли 2-сельмаг мудири Маматов магазин қоровулини ишга бу-юради-да, унинг постни ташлаб кетганидан фойдаланиб, магазиндан 19 минг сўмлик товарни ўғирлайди ва «коровул Х. Абдуллаев ўғирлаган бўлса керак» деб овоза тарқатади. Х. Абдуллаев постни ташлаб кетгани учун жиноий жавобгарликка тортилиб, қамалади.

Редакцияга Х. Абдуллаевдан келган шу ҳақдаги шикоят текшириш учун шаҳар прокурорига юборилган эди. Шаҳар прокуратурасидан қуйидаги жавоб олинди:

— Текширишда бу молни сельмаг мудири Маматовнинг ўзи ўғирлаганлиги исбот қилинди. Фарғона область суди сельмаг мудири Маматовни 10 йил озодликдан маҳрум қилишга ҳукм чиқарди. Қоровул Абдуллаев қамоқдан озод қилинди ва ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараганлиги учун унга шартли чора кўрилди.

МЕҲНАТ БИЛАН КАПИТАЛ ЎРТАСИДА КУРАШ

АҚШ

АҚШдаги энг йирик шаҳарлардан бири бўлган Филадельфиянинг бутун жамоат транспорти забастовка туфайли батамом издан чиқиб қолди. Шаҳарнинг автобус йўлларида ҳаракат тўхтади. Метро поездлари тўхтаб қолди. Иш ташловчилар иш ҳақини кўпайтиришни, пенсия таъминотини яхшилашни ва касал бўлган вақтда нафақа билан таъминлашни, шунингдек асоссиз ишдан бўшатишга қарши гарантиялар бўлишини талаб қилмоқдалар.

15 январда «Нью-Йорк таймс» газетасининг биноси ёнида 5 мингдан ортиқ пикетчи тўпланди. Улар орасида матбаачиларнинг давом этаётган забастовкаси қатнашчилари ва бошқа касаба союзларининг иш ташловчиларга бирдамлик билдириб, бу ерга келган вакиллари бор эди.

Матбаачиларнинг вакиллари ва газета ноширлари ўртасида бўлиб ўтган учрашув томонларнинг тутган позициясига жиддий ўзгаришлар киритмади. Шу вақтда босмахона ишчиларининг Нью-Йорк союзи ишчиларни ёппасига ишдан бўшатиш натижасида йўқотилган иш ҳақини тўлаш мақсадида бир миллион доллар талаб қилиб, «Нью-Йорк уорлд телеграмм энд Сан» газетасининг эгаларига суд даъвосини тақдим этди. Нью-Йорк газеталарининг бошқа эгаларига ҳам илгари жами 2.4 миллион доллар миқдорида ана шундай суд даъвоси топширилган эди. Бу газеталарнинг эгалари матбаачиларнинг забастовкаси сабабли газеталари чиқмай қолган ноширларни қувватлаб, ишчиларни ёппасига ишдан бўшатган эдилар.

ТУРКИЯ

Ишчиларнинг забастовка қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги қонун лойиҳасига киритиладиган тузатишни бекор қилиш ва корхона эгалари билан коллектив шартномалар тузиш учун кураши кенг тус олаётир, чунки бу тузатишлар қонун лойиҳасининг қоидаларини аслида йўққа чиқаради. Истамбулдаги ишчиларнинг ўнлаб энг йирик касаба союзларининг раҳбарлари «бирдамлик фронти»ни уюштирдилар. Истамбулнинг ва мамлакатдаги бошқа саноат марказларининг кўпгина касаба союз арбоблари матбуот вакилларига Туркия ишчилари қонун лойиҳасининг тақдиридан қатъи назар ўз ҳуқуқлари учун курашни давом эттиришини билдирдилар.

АНГЛИЯ

Ньюкасал шаҳрида ҳукуматга қарши намойиш бўлди. Ишчилар ишсизликни тугатишни талаб қилдилар. Ишсизлик мамлакатнинг шарқи-шимоли районига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

ГРЕЦИЯ

Греция парламенти ишчиларга қарши ҳукумат тақдим этган янги қонун лойиҳасини муҳокама қила бошлади.

Қонун лойиҳаси, агар ишчилар забастовка кураши ёрдами билан корхона эгаларининг ён беришига эришганларида, меҳнат министрлигига касаба союзлар билан корхона эгалари ўртасида тузилган коллектив шартномаларни суд ёрдами билан (ҳукуматнинг иқтисодий сиёсати учун таҳдид вужудга келади деган важ билан) бекор қилиш ҳуқуқини беради.

Маъмурларнинг меҳнаткашларнинг ҳуқуқига ҳужум қилиши мамлакатда зўр ғазаб туғдирди. Афинада, Пирейда ва бошқа шаҳарларда грек меҳнаткашларининг қонун лойиҳасига қарши норозилик йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

УРУГВАЙ

Монтевидео шаҳар транспорти ходимларининг забастовкаси қариб бир ҳафтадан буён давом этаётир. Иш ташловчилар ўтган ойларда ушлаб қолинган иш ҳақининг қайтарилишини талаб қилмоқдалар. Пассажирларни ташиш учун юк автомашиналаридан фойдаланилмоқда. Бутунги корхоналар қисман ёки батамом издан чиқарилган. Турли можаролар — автобус ва троллейбусларни ёндириш ва бузиш ҳоллари тез-тез бўлиб турмоқда.

АРГЕНТИНА

Американинг Кордобадаги «Кайзер» автомобиль заводида бошланган забастовка ишчиларнинг ғалабаси билан тугади.

Оғир иқтисодий аҳволга қарши, шунингдек корхона эгаларининг завод маҳсулоти сотилмаётганлигини пеш қилиб, заводни ёпиб, барча ишчиларни ишдан бўшатиш ниятига қарши норозилик билдириб, 4 мингдан кўпроқ ишчи бир неча кун илгари корхонани ўз қўлларига олган эдилар. Улар корхона атрофида баррикадалар қуриб, унинг товарларига узлуксиз пикетлар қўйган эдилар. Маъмурият чақириб келтирган полиция ишчиларнинг қаршилигини синдира олмади. Корхона эгалари ён беришга ва заводни очишга мажбур бўлдилар. (ТАСС).

„ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН"НИНГ ЯКШАНБА САҲИФАСИ

БУГУН ТЎРТИНЧИ САҲИФАДА:

Яна бир нур манбаи

•

Колхоз шифохонаси

•

Нурчилар шаҳри

•

Пенопласт

ФАН ОЛАМИДА

МИКРООРГАНИЗМЛАР ВА СУНЪИЙ ШОЙИ

Нитрон деб аталадиган сунъий шойи итакон кислотаси ёрдамида полимер материалларидан олинади. Бундай кислотани эса тупроқда яшайдиган микроорганизмлар ишлаб чиқаради. Олимлар бундай микробларни топиш устида кўп йиллардан буён ишлаб келардилар. Полимерлар химияси институтининг олимлари сунъий ипак ишлаб чиқаришда ёрдам берадиган микробларни топиш учун юзлаб ҳар хил микробларни текшириб чиқдилар. Изланишлар яхши натижа берди. Ана шундай микроблардан бир хили топилди. Лаборатория шароитида бу микроблар ишлаб чиқарган итакон кислотаси ёрдамида дастлабки килограмм сунъий шойи тайёрланди. Эндиликда бу усул ишлаб чиқаришга жорий этилади.

ПУКАКДАН ЕНГИЛ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛИ

Пўкакнинг енгил, шовқин ва иссиқликни ўтказмаслик хусусиятлари кўпдан бери қурувчиларни қизиқтириб келарди. Ундан ий-жой бинолари қурилишларида кенг фойдаланилса қандай яхши бўларди! Аммо пўкак жуда қимматга тушади. Нима қилмоқ керак? Наҳотки бундай қимматли материалдан воз кечилади? Бу муаммони ҳал қилишда олимларга химия мўъжизалари қўл келди. Кўп йиллик изланишлар натижасида пўкакдан ҳам енгил, аммо ўзида унинг зарур хусусиятларини сақловчи модда олинди.

Ҳаво тўлдирилган жуда майда уялардан иборат бўлган, пўкакка ўхшаш бу материалга пенопласт (кўпик пласти) деб ном берилди. Пенопласт пўкакдан 25 баравар енгил. Бу материалдан ишланган блоклардан монтаж қилинган уйларнинг девори ҳеч қандай товуш ўтказмайди. Пенопласт иссиқликни ўтказмаслиги сабабли ундан холодильниклар қурилишида ҳам фойдаланиш мумкин.

Пенопласт республикамиздаги кўпгина уй-жой қурилишларида кенг қўлланила бошланди.

ЭЛЕКТР ТОКИ ВА ИЛОН ЗАҲАРИ

Бу сарлавҳани ўқиган газетхон ҳайрон бўлиб: «Электр токининг илон заҳарига нима алоқаси бор?» дейиши мумкин. Гап бундай: илон заҳарининг турли дардларга даво бўлиши ҳаммага маълум. Бунинг учун зоолог олимлар ва мутахассислар заҳарли илонларни тутиб, махсус питомникларда парвариш қиладилар. Заҳарли илонларни тутиш ва парвариш қилиш — кишидан чидам ва қаҳрамонликни талаб қиладиган касб. Аммо энг қийини илоннинг заҳарини олишдир. Бунинг учун илоннинг томоғидан маҳкам ушлаган ҳолда оғзини идишга яқинлаштириб заҳарини чиқаришга мажбур қилиш керак. Бу заҳар оладўтган киши учун хавфлидир.

Илоннинг танасига маълум миқдорда электр токи юборилса, унинг заҳарини беозоргина олиш мумкин бўлар экан. Республика Фанлар академияси Зоология ва паразитология институтида бу усул кенг қўлланилмоқда.

КОЛХОЗ МЕДИЦИНА ШАҲАРЧАСИ

Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозда медицина шаҳарчаси бинолари қурилиб бўлди ва уларни пардозлашга киришилди. Бу — Узбекистон пойтахт областининг энг йирик қишлоқ медицина шаҳарчаси бўлади.

Уч гектарли массивда учта корпус қурилди. Икки қаватли асосий корпуснинг биринчи қаватида врач кабинетлари жойлашган.

Юқори қаватда 50 ўринли палаталар, операция ва туғруқхона бўлимлари жойлашади. Сув-лой билан даволаш шифохонаси қурилиб бўлди, минерал сув ўтказилмоқда. Шу корпус қузурида меъда касалларини даволаш бўлими ташкил қилинди. Учинчи корпусда юқумли касаллар бўлими жойлашган.

Бу медицина шаҳарчасида йил давомида 100 минг киши даволаниши мумкин. Шаҳарчадаги медицина муассасалари қўшни колхозларнинг меҳнаткашларига ҳам хизмат кўрсатади. (ЎзТАГ).

ЯНГИ МЕҲМОНХОНА

ТЕРМИЗ. (**«Қизил Узбекистон» мухбири**). Шаҳар марказидаги Фрунзе кўчасида уч қаватли янги меҳмонхона биноси қуриб битказилди.

Меҳмонхонанинг биринчи қаватида кафе, озиқ-овқат ва саноат моллари магазини, алоқа бўлими, омонат касса, сартарошхона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш хоналари бор.

БУГУНГИ ТАХИАТОШ

Бундан ўн бир йил илгари Тахиатошда катта-катта қудратли заводлар қурилишини ҳеч ким хаёлига келтиролмас эди. Мана, Тахиатошнинг бугунги қиёфасига назар ташланг-а, икки қаватли ва кўп квартирали 40 минг квадратметр уй-жой қурилди.

Қорақалпоғистон АССР саноати кейинги йилларда айниқса тез ривожланмоқда. Саноат корхоналарнинг кўпчилиги Тахиатошга жойлашган. Автоном республикани Ильич нури билан таъмин қиладиган ГРЭС ҳам шу ерда қурилди. Унинг биринчи ва иккинчи агрегатлари фойдаланишга топширилди. Бундан Хўжайли, Нукус, Чимбой ва бошқа шаҳар, район, овул аҳолиси баҳраманд бўлмоқда. Учинчи ва тўртинчи агрегатлар қурилиши жадал суръат билан олиб борилмоқда.

СССР Главгазига қарашли механика заводи коллективи 1962 йил топшириқларини муваффақиятли бажарди. Бу завод асосан темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқармоқда. Завод тайёрлаган маҳсулотлар Бухоро—Урал газ қувури қурилишларига жўнатилмоқда. Корхона яна кенгайтирилиб, у ишлаб чиқараётган маҳсулот бир неча марта кўпаяди.

Тахиатошда секундига 54 кубометр сув чиқарадиган насос қурилиб, Хўжайли, Қўнғирот районларини сув билан таъминлаш яхшиланади.

Шаҳар аҳолисига маданий хизмат кўрсатиш яхшиланмоқда. Шаҳарда тўрт медицина муассасаси, болалар боғча ва яслилари, икки кутубхона, тўрт мактаб, пионерлар уйи ва маданият уйи ишлаб турибди. Савдо тармоқлари тобора кенгайтирилмоқда. 800 дан кўпроқ квартира «зангори олов» билан таъминланди.

140 ўринли боғча-ясли, 50 ўринли болалар боғчаси қурилиши жадал борянти. Шунингдек 26 минг метр узунликда водопровод тармоғи қурилди. Кўчаларга асфальт ётқизилди.

— Аму соҳилидаги навқирон шаҳримиз янада обод ва чароғон бўлади, — деди шаҳар ижроия комитетининг раиси Я. Х. Тантаташев. — Саноат корхоналари тобора кенгайтирилади. Шаҳар меҳнаткашлари КПСС Программаси белгилаб берган улуғвор вазифаларни амалга оширишда янада ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

САМАРҚАНД ЯНГИЛИКЛАРИ

ГЭС ИШГА ТУШДИ

ЖОМБОЙ районидаги Мирзааричнинг қуйи оқимида арзон энергия берадиган «Қаҳрамон» ГЭСининг биринчи қисми ишга туширилди. Шу билан райондаги 2000 колхозчи хонадони нур ола бошлади. Соатига 1200 киловатт қувват берадиган бу колхозлараро ГЭСнинг иккинчи агрегати ишга туширилгач, яна 2500 хонадон электрлаштирилади.

ЯНГИ ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ

ЙИРИК саноат шаҳри ҳисобланган Каттақўрғонда телефон тармоқлари йил сайин кенгайиб борянти. Ёг, пахта заводларида кўп номерли коммутатор ишлаб турибди. Ҳозир шаҳарда минг номерли яқин автомат телефон станцияси қурилаётир.

ХИМИКЛАР ИХТИРОСИ

СУПЕРФОСФАТ заводининг коллективи янги ўғит ишлаб чиқариш цехи ташкил этди. Цехга асбоб-ускуналар ўрнатилди. Цех ишлаб чиқарадиган ўғит состави фосфор, азот ва калийдан иборат бўлиб, қишлоқ хўжалигида экинлардан юқори ҳосил етиштиришда катта аҳамиятга эгадир.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

НУКУСДА ТЕЛЕВИЗОР

НУКУС, (**«Қизил Узбекистон» мухбири**). Шаҳар меҳнаткашлари яна бир катта совға олдилар. Қоратовдаги телевизор вишкаси қурилиши муваффақиятли тугаллан-ди. Шу кунларда шаҳар меҳнаткашлари Урганч телевидение программасаси бўйича берилаётган эшиттиришларни телевизор экранларида томоша қилмоқдалар

Ўзбекистон халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида республика ДОСААФ клуби қошидаги курсларни тамомлаган қисқа тўлқинда ишловчи радистлар меҳнат қиладилар. Уларни геология экспедицияларида ҳам, узоқ ойловларда ҳам — кўп жойларда учратиш мумкин. Бу суратда сиз ана шундай радистлар тайёрланадиган курсдаги машғулот пайтини кўрасиз. Инструктор С. А. Пикалова (ўнгда) машғулот олиб бормоқда.

Б. Мазур фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ИМТИҲОН БОШЛАНДИ

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг филология факультетида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда сиртдан ўқиётган студентлар сони кўпаймоқда. 1962/63 ўқув йилидагина 300 киши кабул қилинди.

Шу кунларда факультет аудиториялари гавжум. Қишки имтиҳон сессияси бошланди. Ўтган йили биринчи курсни муваффақиятли якунлаган студентлардан Сирдарё районидаги 2-мактаб ўқитувчиси Али Кўчиев, Калинин районидаги 29-мактаб ўқитувчиси Соиб Насибов, ва бошқалар имтиҳонларни муваффақиятли топширмоқдалар.

Ҳ. ЮНУСОВ.

ИЛОН ВА ҚУЗҒУН

«Гитлерчилар каби Ғарбий Германиядаги милитаристлар ва реваншистлар ҳам гўё «коммунистик хавфдан «зркин дунёни ҳимоя қилиш» тўғрисида гап сотмоқдалар... Боннда, бизнинг мақсадимиз Москвани нишонга олиб туришдан иборат, деган гапларни айтмоқдалар. Ҳақиқатда эса улар бутун дунёни нишонга олиб туришни орзу қилмоқдалар».

Н. С. ХРУШЧЕВ.

(М А С А Л).

Башараси совуқ, заҳарли илон
Одамни чақай деб бир кун қузғолди.
Вишиллаб, заҳрини сочиб келган он,
Одам таёқ билан тушириб қолди.
Илон жон ҳолатда ҳоча бошлади,
Одам газандани калтаклаб роса
Кавагида эзиб, янчиб ташлади.
(Шум ният, алчоққа муносиб жазо!)
Калласи янчилган пажмурда илон,
Кавак-мозорида ётди кўп замон.
Уликми-тириими билинмас бутун,
Ҳеч жонивор йўламас унинг ёнига
Аммо ўлансахўр қари бир қузғун
Оро кирди пачоқ илон жонига
У билан оғизу бурун ўпишди,
Гўё мохов билан мохов топишди.

Мақсади илон ҳам оёққа турса,
У чақса, бу эса чўқиса ўлжа,
Иккови бақамти ов қилса, гўё —
Уларники бўлса шу ёруғ дунё
Унга паноҳ бўлиб, алб яширди,
Доимо ўлимтик емиш таширди.
Бошин кўтармоқчи бўлар гоҳ илон,
Қонли ўлжа истаб, қарар ҳар томон.
Барибир, алчоқнинг чиқмас қуёши,
Қузғалса, албатта, янчилар боши!

* * *

Манфур фашизмга бўлмоқда паноҳ,
Ғарбдаги баъзибир корчалон — қузғун.
Агар ким бировга назир экан чоҳ,
Ўзи қулар албат шу чоҳга бир кун.

М. ХУДОЙҚУЛОВ.

Урганч шаҳрида уй қуриш комбинати қуриб битказилди. Суратда: комбинатнинг умумий кўриниши.

О. Ёқубов фотоси.



ФАРЗАНД МЕҲРИ

ҲИКОЯ

РАИСА Говоркова 10 йилдан буён Янгиариқ пахта тозалаш заводида лаборантка бўлиб ишлайди. У ўз касбини жуда севади. СУРАТДА: Р. Говоркова лабораторияда.

О. Ёқубов фотоси.

— Отажон, оғриқларингиз босилдими? Тезда соғайиб кетасиз...

Врачнинг илиқ сўзлари таниимга ҳарорат бергандек енгил нафас олдим. Унга боқар эканман, қотиб қолган лабимни тилим билан намлаб:

— Анча енгилман... — дедим.

Врач юрагимнинг уришини қузатиб, «ҳа, анча тузуксиз» деб қўйди.—Ҳафа бўлманг, менинг отам ҳам худди сизнинг касалингиз билан оғриган эдилар. У кишини ўзим даволадим. Сиз ҳам яхши бўлиб кетасиз.

— Қизим, хасталигимга эмас, ғариблигимга...

* * *

Кечаси ором олиб ухладим. Эрталаб ўзимни анча енгил хис этдим. Бу ерда танишганим — Одилхон ёнимга келиб, салом берди. У қомати келишган қобилгина йигит. Одилхондан врачнинг қаерданлиги ва исмини сўрадим. Одилхон уни яхши билмаса ҳам, исми Галя эканлигини, беморларга меҳрибонлигини сўзлаб берди.

— Кеча аҳволингиз анча оғирлашиб қолди, тонг уришингиз пасайди. Аммо, врач шошиб қолмай, бутун билимини, тажрибасини ишга солди. Анча ўйлашгандан кейин қон юборишни маъқул топишди. Аксига олиб қонингизга мос келадиган қон қолмаган экан, врачнинг ўзи қон берди. Тез-тез келиб хабар олиб турди.

— Шундай денг-а, барака топсин, яхши қиз экан, — деб қўйдим.

Хонамиз ёруғ ва озода, гулдонлардаги гуллар ҳид таратиб турибди. Хонага врач кириб биз билан саломлашди.

— Отахон, қалай, соғлигингиз яхшими?

— Раҳмат, қизим, бу кеча яхши ухладим.

Врач иш бошлади. Мен врачни биринчи марта кўраётгандек унга разм солдим. Кўз ўнгимда врач эмас, гўё Лолам намоён бўлгандек бўлди. Қарашлари ҳам, қош-кўзлари ҳам худди Лоламнинг ёшлигига ўхшаб кетарди. Лоланинг ҳам кўзлари врачнинг кўзларидек тимқора, ҳамиша меҳрибон боқарди. Ажабо, кишикишига ўхшар эканда. Еки кўзимга шундай кўринаётибдимикин? Йўқ. Юрагим сезаётир. Ўзидан сўрасам қандай бўлар экан-а? Аммо, қалб ҳукмини тилим ижро этолмади. Ахир, у кеча «отамни ўзим даволадим» деб очиқ айтган эди-ку. Ундан нима деб сўрашим мумкин!

Врач мени қараб бўлгач, баъзи маслаҳатларни бериб Одилхоннинг ёнига ўтди. Кўзим яна унга қадалди.

— Қизим, ҳали кўп ётаманми?

— Ҳа, ҳали анча ётишга тўғри келади. Адресингизни берсангиз уйингизга телеграмма юборишимиз мумкин.

— Қизим, ғарибман. Уруш мени меҳрибон хотинимдан, азиз қизимдан ажратиб ёлғизлатиб қўйган. Хабар қиладиган кишим йўқ.

Врач бошини қуйи солди, юзи бирдан ўзгарди. Эшикка яқин бориб, орқасига бир қаради-да, тез-тез юриб хонадан чиқиб кетди. Ўз ҳасратим билан уни хафа қилиб қўйганлигимдан афсусландим.

* * *

Ҳа, врач ўзини йўқотиб қўйган эди. Кабинетига қандай қилиб келганлигини ҳам билмади. Кўзидан ёш томчилари тўкила бошлади. У ўзига савол берарди: «Нега бу кишининг меҳри менга бунчалик иссиқ-а? Ёки... Йўқ, отамни урушда ҳалок бўлган, деб айтишган эди-ку, дея ўзига ўзи савол берди.

Галя бошини қўллари ораси-га олди. Боғчасига кўтариб бориб, у ердан кўтариб келадиган, бағрига босиб эркалатадиган онасини эслаганда сесканиб кетди

...Онасининг кроватда инграб ётгани, уни касалхонага олиб кетганликлари ҳамон эсида. Онаси шу бўйи қайтиб келмаган. Қизни эса болалар уйига топширишган эди. Бир кунни тарбиячи Галяни кичкина хонага бошлаб келди. Интернат мудири уни тиззасига олиб, сочларини силади ва: «Галочка, буларникига борасанми?» деди Галяга тикилиб турган хотин билан эр кишини кўрсатиб. Галя уларга қаради. Хотиннинг қўлида катта қўғирчоқ бор эди. Галя унга интилиб қўғирчоқни олди. Улар бир қоғозга қўл қўйиб, Галяни ўзлари билан олиб кетишди. Булар Собир ака билан Ҳалима опа эди. Ҳалима опанинг меҳрибонлиги Галяга жуда ёқди. Кўп ўтмай Собир фронтга кетиб қолди. Ҳалима опа Галя билан Тошкентга кўчиб кетди. Уруш тамом бўлгач, Собир қайтиб келди. Галя етимликни унутиб, уларнинг тарбиясида ўсди, вояга етди. Институтни тамомлаб, бир йилдан бери совхоз марказидаги касалхонада бош врач бўлиб ишлаяпти.

Ҳалима опа ҳам, Собир ака ҳам Галяга қанчалик меҳрибонлик қилмасинлар, оқ сут берган онасини, меҳрибон отасини қумсарди.

* * *

Нонуштадан кейин ётмоқчи бўлган эдим. Одилхон галга тортди.

— Хотинингиз билан қизингизни қандай йўқотгансиз?— деб сўраб қолди. Жавобни қисқа қилмоқчи бўлдим-у, унинг тикилиб турганлигини кўриб:

— Ука, қисса узоқроқда...

— Бошқа нима ишимиз ҳам бор, айта беринг,— деб ёнимга келди.

Айтила бериб ёд бўлиб қолган ўз қиссамни яна бошладим.

— Ота-онамдан ёшлигимда етим қолиб, болалар уйида тарбияландим. Кейин ФЗУда ўқидим. Бу ердан заводга ишга бордим. Яхши кишилар билан ишлаб, кейинчалик мастер бўлиб етишдим. Цехимизда ишлайдиган Лола исмли қиз билан танишдим. У ҳам мендек ота-онасидан ёшлигида етим қолган экан.

— 1936 йилнинг баҳори эди. Ҳамма ер гул-лолалар билан безанган. Канал ёқасида Лола билан сайр қилиб юрибмиз. Унинг гул баргидек бегубор юзига, бодом қовоқларига боқиб тўймайман.

Май байрами арафасида тўйимиз бўлди. Тўйга мастер Иван Захарович ва унинг хотини Мария опа бош бўлди. Ҳаётимизда лаззатли дамлар бошланди.

Кунлар ортидан кунлар ўтди. Лола ҳомиладор бўлди. Ой куни яқинлашиб, қиз туғди. Чақалоқнинг ўнг елкасида холи бор экан. Қизимизга Холида деб исм қўйдик. Холида уйимизнинг файзи бўлиб қолди. У уч ёшга тўлай деганда уруш бошланиб қолди. Фронтга жўнар эканман, Холиданинг юзларидан тўйиб-тўйиб ўпдим, эркаладим. Лолам эса қўл силтаб йиглаб қолди...

Лола билан анча вақтгача хат орқали алоқа қилиб турдик. У бир хат ичида Холиданинг суратини юборди. Шундан кейин Лолага ёзган хатларим жавобсиз қолиб кетди. 1943 йилнинг бошларида Волга бўйларида қаттиқ жанглар борарди. Шу жангларнинг бирида яраландим. Дўстим Борис Тарсаков мени опичиб, ўт ичидан олиб чиқди. Свердлов шаҳри яқинидаги госпиталлардан бирида даволандим. Бу ердан Лолага ёзган хатларим ҳам жавобсиз қолиб кетди.

Оёғим қаттиқ шикастланган экан, отпуска беришди. Ишлаб вояга етган шаҳримга келиб, уйга борсам, биз турадиган корпус госпиталь бўлган экан. Қаерга боришни билмай, бошим қотиб турганда, Мария опага дуч келиб қолдим. Унинг юзи ғамгин эди. Уйига бошлаб борди. Мария опа Иван Захаровичнинг фронтда ҳалок бўлганлигини, Лоланинг вафот этганлигини айтди. Бу шум хабар юрагимга найзадек ботди. Ўзимни босиб, Холиданинг қаердалигини сўралим. Мария опа: «Самарқанддаги болалар уйига юборишган эди», деди.

Қизимни излаб Самарқандга йўл олдим. Интернат мудири Холиданинг Собир Расулов деган киши ўз тарбиясига олганлигини айтиб, унинг адресини берди. Қанот чиқариб Расуловникига бордим. У фронтга кетгач, хотини қаергадир кўчиб кетибди. Куртак берган севинчим очилмасдан хазон бўлди. Мана орадан қанча йиллар ўтди, ҳамон Холидамни излаймаман... Ука, фарзанд ширин. Фарзанд дарди мени шу аҳволга солиб қўйди Касалим ҳам шу туфайли бўлса керак. Холиданинг ҳаёт эканлигига ишончим зўр. У тушларимга кириб, «отажон» деб эркалагандек.

Қия турган эшик очилиб, хонага врач кирди. Бағримга отилди.

— Отажон, мен қизингиз Холида бўламан. Ҳамма гаплирингизни эшитдим,—дея юзимдан ўпа бошлади. Холидани бағримга босган бўлсам-да, тилим сўзга келмасди...

— Кел қизим, пешонангдан бир ўпай,— деб пешонасидан ўпдим

Шундай қувончли кун келишини орзу қилиб юрган бўлсам-да, совға тайёрлаб қўймаганимдан афсусландим. Ҳа, нима совға қилишни билмай шошиб қолдим. Охири унга ўзининг ёшлигида тушган суратини узатдим. У ўз суратига боқанича жим турарди.

— Галя Расуловна, сизни отангиз чақираётибди, — деди хонамизга кирган ҳамшира. Холида ҳеч нарса эшитмагандек, суратдан кўзини олмас эди. Ҳамшира илгариги сўзларини такрорлагач, Холида «айтинг кирсинлар» деди.

Хонага сочларига оқ оралаган кирмизи юзли бир киши кирди.

— Отамни топдим, танишинг, — деди ҳаяжон билан Холида. Собир Расулов турган ерида ҳайкалдек қотиб қолди. Мен ўтирган еримдан унга салом бериб, қизимни тарбиялаб вояга етказганлиги учун ўз миннатдорчилигимни билдирдим. Собир Расулов мен билан кўришиб:

— Хурсандчиликларингиз гаштерикман, — деди-ю, хонадан чиқиб кетди. Унинг орқасидан Холида югурди.

— Сизни бу ерга бахт бошлаб келган экан,— деди Одилхон гўё саҳнада спектакль кўриб ғоят ҳаяжонланиб ўтиргандек.

Кўзларим эшикда экан. Холида келиб ёнимда ўтирди. У тез-тез нафас оларди. Холиданинг қалб интилишида ота меҳрига муштоқлиги ўз ифодасини топганлиги кўриниб турарди. У, меҳр тўла кўзларини менга тикиб:

— Отажон, онамнинг суратти йўқми?— деб сўради. Чўнтагимдан Лоланинг суратини олиб бердим. Холида суратга боқиб тўймагандек, уни бағрига босди.

Хонага яна Собир Расулов кирди. Унинг бир қўлида дастурхонга ўроқлик нарса бўлиб, иккинчи қўлида гул даста бор эди. У, дастурхондаги нарсани тумбочка устига қўйиб, гулни менга узатар экан:

— Бу гул кўчатларини қизим, қизимиз ўтқазган. Мана булар биринчи ҳосили,— деб жилмайиб қўйди.

Мен бахтиёр кишилардек гулни ҳидладим. Кўзим чароқлаб, кўнглим гулдек очилиб кетди.

Тоҳир КАРИМОВ.

ҲОДИСА

АШУРХОЛ ОМОН ҚОЛДИ

Маҳкамбой Чориев уйига келаётиб, қўшнисининг уйидан бурқсаб чиқаётган тутунга кўзи тушди. У иккиланиб турмай, ўзини ичкарига урди. Маҳкамбой ёнаётган буюмларни ўчиришга киришган ҳам эдики, ёш боланинг ингираган овозини эшитиб қолди.

Маҳкамбой уст-боши қуйган, оёқлари жароҳатланган болани қучоқлаб, ташқарига олиб чиқди. У, Шўрчи районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси Нормўмин Хидировнинг бир яшар қизи Ашурхол эди. Ашурхол дарҳол касалхонага жўнатилди. Врачлар болага тез ёрдам кўрсатишди ва унинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Ёнгин ҳам ўз вақтида ўчирилди.

Бегимқул БОБОҚУЛОВ.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ

ТИНҒЛАНГ ТОМОША ҚИЛИНГ

РАДИО

20 ЯНВАРДА

Биринчи программа: 7.40 — Ота-оналар учун (Ўзбек тилида), 8.25 — Янги ёзиб олинган куйлар, 10.10 — Пионер эрталиги, 10.30 — Чолғу куйлари, 11.25 — Концерт (радио эшитувчилар талабига мувофиқ), 12.15 — «Номинг — Ленин комсомоли» (Ўзбек тилида радиокомпозиция), 12.30 — Лирик асарлар, 13.30 — Концерт (СССР халқ артисти Б. Гмиря ижросида), 15.15 — «Ҳамза» (С. Бобоев операсининг монтажи), 17.25 — Концерт (Тошкент халқ консерваториясининг коллективлари ижросида), 17.55 — «Ленинга ҳат» (Ўзбек тилида радиопостановка), 18.30 — Концерт (қўрик ерларни ўзлаштирувчилар учун), 19.20 — Севикли композиторлар (топшмоқли концерт), 20.00 — Коммунистик партия халқлар дўстлиги ҳақида (суҳбат), 20.15 — Музикали салом, 21.15 — Концерт (пахтакорлар учун), 22.15 — Эстрада концерти.

Иккинчи программа: 19.00 — Концерт, 19.40 — Енгил куйлар, 20.10 — Халқ қўшиқлари ва куйлари, 21.00 — Тожик қўшиқлари, 21.30 — Рақсга таклиф.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

20 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 12.00 — **Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак** (болалар учун мультипликацион фильм), 12.35 — **Илмий-оммабоп фильм**, 12.55 — **Физкультура билан шуғулланинг**, 13.15 — **Инглиз тили дарси.**

Ўзбек тилида: 13.55 — **Қадрдон ўртоқлар** номли бадиий фильм, 18.00 — **Халқ филармонияси концерти** (ёшлар учун ўзбек ва рус тилларида).

Рус тилида: 19.00 — **Телевизион янгиликлар**, 19.15 — **Ленин Смольнийда** (илмий-оммабоп фильм), 19.25 — **Концерт** («Алмаликсвинецстрой» қурувчилари учун), 20.05 — **Новости дня** киножурнали ва **Телефонистка** номли бадиий фильм.

Ўзбек тилида: 21.30 — **Телевизион янгиликлар**, 21.45 — **Концерт** (ўзбек куйларидан).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.50 — **Чақириқ** номли ҳинд бадиий фильмининг иккинчи серияси.

Рус тилида: 21.20 — **Серқатнов жойда** номли бадиий фильм-спектакль.

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/I да кундуз **Боғчасарой фонтани**, кечқурун **Ҳамза**, 21/I да **Концерт** (театр ёш солистларининг ижодий кечаси).

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/I да (кундуз ва кечқурун) **Олов.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/I да кундуз 21/I да кечқурун **Икки билагузук**, 20/I да кечқурун **Уч баҳодир.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ залида — 20/I кундуз соат 1 яримда мактаб музика абонементи бўйича 7, 8, 9, 10, 11-синф ўқувчилари учун: **«Узбек оммабоп музика ва қўшиғи нима»** деган темада **суҳбатли концерт**. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Коммуна Исмоилова**, солист **Клара Жалилова** ва бошқалар қатнашади.

22-январь кеч соат 7 яримда «Музика маданияти университети» 5-абонемент бўйича студентлар учун **«СССР халқларининг музика, ашула ва рақслари»** деган темада **концерт-лекция**. Ўзбек ашула ва рақс ансамбли қатнашади. 30 декабрда бўлмай қолган концерт талонлари ярайди.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Зинаида Тарасова ва Украина цирки артистларининг сўнгги гастроллари.** Бугун 3 марта томоша кўрсатилади: кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда.

КИНО

Уч мушкетёр — «ВАТАН», «МИР», НАВОИ номли, «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (1-залда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Қўрқув алифбеси — «ДРУЖБА» (2-залда), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «МОСКВА» (кундуз 12, 4 кеч соат 8 ва 10 да), «ВОСТОК» (эрталаб соат 10, кундуз соат 12, 2 ва 4 да).

Бир қишлоқ йигитлари — «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 ва кундуз соат 12 да), «ВОСТОК» (кеч соат 6, 8 ва 10 да).

Улимга ҳукм қилинган қочди — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз соат 3 ярим ва кеч соат 5 яримда).

Улимнинг ўз юзи бор — «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз соат 2 ва кеч соат 6 да).

Етти азамат — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

«Қизил Узбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони сурх» бирлашган нашриётнинг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р. 06143. Индекс 64543. Нашр. № 17.